

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАЕВА МУХАЙЁ АБДУМУРОДОВНА

**5-6-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Кенжаева Мухайё Абдумуродовна

5–6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш
методикаси 3

Кенжаева Мухайё Абдумурадovна

Методика развития лингвистических компетенций у учащихся
5–6-классов 20

Kenzhaeva Mukhayyo Abdumurodovna

Methodology for developing linguistic competencies among grade 5-6
students..... 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАЕВА МУХАЙЁ АБДУМУРОДОВНА

**5-6-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1652
рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг
веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Магчанов Сапа**
педагогика фанлари доктори, профессор

Мамитова Гулшан Аманкуловна
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори(PhD)

Ўтақчин ташкилот: **Ўзбекистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги
DSc.01/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "23" "11" соат 8⁰⁰
даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор
кўчаси, 27-йў. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail:
tdpu_kengash@tdpu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс
марказида танишни мумкин (_____ рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32.)

Диссертация автореферати 2021 йил "11" "11" ҳуни тарқатилади.
(2021 йил "11" "11" даги 39 рақамли реестр баённомаси)

М.Э.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Р.Г.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий раиси, и.ф.д., доцент

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қончилиги илмий семинар раиси,
и.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида ахборот технологиялари воситасида нутқ ўстиришнинг креатив технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таълим олувчиларга дунё миқёсида ўқитиш сифатига нисбатан тенг шароитлар яратиш, таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни жорий этиш масалалари асосида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш, адабий талаффуз кўникмаларини имловий саводхонлик билан уйғунлаштириш, амалиётга татбиқ этиш методикасини ва йирик лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб бормоқда.

Жаҳонда ўқувчи-ёшларни таълимнинг фаол субъектига айлантириш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, тил ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва шу орқали уларда лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенцияларни шакллантириш, глобаллашув шароитида тил таълимига оид халқаро стандартлар талабларини кенг жорий қилиш, шунингдек, таянч ва хусусий компетенцияларни шакллантиришда фан ва таълим интеграциясини таъминлаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ахборотлашган асрда ўқувчиларнинг мулоқот компетенциясини ривожлантириш самарадорлигини ошириш, интерфаол таълимни медиатеكنولوجياлар асосида ташкил этиш, компьютер лингводидактикасини ривожлантириш, тил портфолиоси технологиясини таълим амалиётига оммалаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз таълим муассасаларида сўнгги йилларда ўқувчи-ёшларнинг воқеликка нисбатан онгли муносабати, дахлдорлик ҳисси ва ижтимоий фаоллигини янада ривожлантириш, эркин ва мустақил фикрлашларига имкон берувчи таълим муҳитини яратишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹га қаратилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, она тили таълимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш, ижодий фикрлаш қобилияти ва лингвистик компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрда ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017 йил-6-сон-70-модда.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги ПҚ-187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада умумий ўрта таълим жараёнида она тили фанини ўқитишда ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш, нутқ ўстириш, луғат устида ишлаш, матннинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш ва интегратив ёндашув муаммолари Қ.Абдуллаева, Н.Г.Аловуддинова, Г.М.Ахмедова, Х.Бакиева, Г.Бобомуродова, Т.У.Зиядова, О.Охунжонова, М.Саидов, Н.Х.Сатторова, Р.Г.Сафарова, К.М.Мавлонова, У.Машарипова, Б.Тўхлиев, М.Э.Хайдаров, Т.А.Юсупова, Ш.Ж.Юсупова, Н.А.Қосимова, А.Қ.Ғуломов, А.Р.Ҳамроев, Ғ.Ҳ.Ҳамроевларнинг илмий-тадқиқотларида ўз аксини топган. Она тили дарсларини илғор педагогик ва ахборот технологиялари воситасида ташкил этиш, она тили таълими мазмунини янгилашнинг лингвометодик асослари, таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш масалалари С.А.Адилова, Х.Мухиддинова, Н.З.Умарова, Н.Юлдашева, Х.К.Қурбоновлар томонидан тадқиқ этилган.

МДХ давлатлари олимларидан Р.А.Будагов, А.Н.Васильева, Д.Д.Жажев, С.А.Жажев, А.Зимняя, Е.М.Катанова, Т.А.Ладиженская, М.М.Левина М.Р.Львов, М.Р.Майенова, В.А.Маслова, И.З.Романовская, Т.Н.Поляковалар таълимнинг турли босқичларида лингвистик компетентликни ривожлантириш, нутқий фаолият масалалари ва ёндашувлари илмий-методик ишларида ўз аксини топган.

Хорижда тил ўргатиш жараёнида мулоқот юритиш кўникмаларини шакллантиришнинг турли жиҳатлари Ferdinand de Sossure, R.Bart, M.Grammont, Van Deyk, A.Martinet, N.Chomskiylar томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида 2017-2019 йилларда бажарилган “ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик

асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 5–6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг педагогик, психологик ва методик имкониятларини таҳлил қилиш;

ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг дидактик компонентларини такомиллаштириш;

инновацион таълим технологиялари воситасида лингвистик компетенцияларни ривожлантиришдаги дидактик жиҳатларини белгилаш;

ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 5-6-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш жараёни танланган бўлиб, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 9-, Ангор туманидаги 3-, Қашқадарё вилояти Каспи туманидаги 18-, Самарқанд шаҳридаги 2-, Тошкент шаҳар Яшнабод туманидаги 23-мактабларда тажриба-синов ишлари олиб борилди. Умумий респондентлар сони 225 нафарни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват (тенглашган, мос) ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган мажмуи: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий таҳлил), диагностик (ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбат, анкета, тест, кузатиш), прогностик (умумлаштириш, баҳолаш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

компетенциялар тизимли-фаолиятли, ижтимоий-маданий ва прагматик ёндашувлар ҳамда компетентлилик мезонларини рефлексив машқлар ва мулоқотни фаоллаштириш жараёнларини эмоционал ва интерпритатив таъсирчанлик даражаларига уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

5-6 синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларнинг дидактик компонентлари фундаментал ва амалий йўналганлик, индивидуаллик, педагогик ҳамкорлик, тил, нутқ, ижтимоий-маданий, ўқиб-тушуниш ва компенсатор кўникмалари ривожланишини стилистик дифференциациялаш асосида такомиллаштирилган;

она тили дарсларида 5-6 синф ўқувчиларининг лингвистик компетенциясини ривожлантириш методикаси “Қайта ҳикоялаш”, “Пинбоард”, “Дискурс”, “Интервью”, матн ва луғат устидаги тасвирлаш, изоҳлаш, муҳокама, таққослаш ишлари имкониятларини эвристик ва продуктив

фаолиятли таълимнинг ўзаро уйғунлиги адабий талаффуз кўникмалари ва имловий саводхонликни таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

5–6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенциялар ижтимоий-маданий, коммуникатив ва тизимли ёндашувлар ҳамда ўқув-методик таъминотини ривожлантириш самарадорлигини аниқловчи фаолиятли, натижавий мезонларни қўллай олиш даражалари билан интеграциялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

5–6-синф она тили дарсларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш асосида ўқувчиларнинг сўзларни тўғри бириктира олиши ва структурасини шакллантириши, сўзларнинг изоҳини билишида лингвистик компетенцияларни ривожлантиришга доир дарс ишланмалар ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш юзасидан илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича ижтимоий-маданий, коммуникатив ва тизимли ёндашувлар, таълим мазмуни компонентларини ўзаро уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

5-6-синф ўқувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантиришга доир методик тавсиялар ишлаб чиқилган, мультимедиали электрон таълим ресурслари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, педагогик ва психологик, методик ёндашиш ҳамда ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларни ривожлантиришда республикамиз ва хориж олимлари тажрибаларига асослангани, тадқиқот вазибаларига мос методларнинг танланганлиги, таҳлил ва тавсифнинг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги; тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 5-6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг мулоқотга йўналганлик, стилистик дифференциация, таълимнинг ижодий йўналганлиги, фанлараро интеграция ва компетентлилик, шахсга йўналтирилганлик, ижтимоий-лингвистик, интегратив, ижтимоий-маданий, коммуникатив ва тизимли ёндашувлар, таълим мазмуни компонентлари (лингвистик, ижтимоий-маданий, прагматик) ва электрон-дидактик воситаларнинг, инновацион таълим шароитида педагогик муаммоларнинг мақбул ечимларини топиш ва натижага эришиш босқичлари аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, инновацион таълим шароитида 5-6-синф ўқувчиларининг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш бўйича мультимедиали электрон таълим ресурсларидан таълим амалиётида, ўқув ва методик қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 5–6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

5–6-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенциясини ривожлантириш мазмуни тизимли-фаолиятли, ижтимоий-маданий ва прагматик ёндашувлар ҳамда компетентлилик мезонларини аниқлаштиришга оид таклифлар ЁА-1-20 рақамли “Ўқувчиларда касбий аҳамиятли сифатларни шакллантиришнинг интегратив-методик воситаларини яратиш” номли амалий грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 13 августдаги 02-07-2040/04-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг лингвистик компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг педагогик, психологик ва методик имкониятларини кенгайтириш имконияти яратилган;

она тили дарсларида ўқувчиларда лингвистик компетенцияни ривожлантиришнинг дидактик компонентлари фундаментал ва амалий йўналганликни индивидуаллик, педагогик ҳамкорлик, кўргазмалилик тамойиллари асосида ўзаро оптималлаштиришга оид таклифлар асосида “Она тили ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356/7-110-сон рухсатномаси). Натижада ўқувчиларда лингвистик компетенцияни ривожлантиришнинг дидактик компонентлари такомиллаштирилган;

5–6-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенциясини ривожлантириш методикаси “Қайта ҳикоялаш” (Picture story), “Пинбоард”, “Дискурс”, “Интервью” каби фаол ўқитиш методларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Она тили ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356/7-110-сон рухсатномаси). Натижада она тили дарсларида инновацион таълим технологияларидан лингвистик компетенцияни ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга эришилган;

ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш юзасидан илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишга оид тавсиялар асосида “Она тили ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаси яратилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356/7-110-сон рухсатномаси). Натижада ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган ва ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3та халқаро ва 5та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий-услубий иш, шулардан 1 та ўқув қўлланма, 1 та мультимедиа электрон видеодарс, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7та мақола, жумладан, 4таси республика ва 3таси хорижий журналларда нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида она тили таълимида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш педагогик муаммо сифатида ўрганилган, 5-6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш хусусиятлари, назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиш мазмуни баён қилинган. Бунда “компетенция”, “лингвистик компетенция” тушунчалари мазмуни изоҳланган, мавзуга оид тадқиқотлар ва лингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ёритилган.

Маълумки, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Огаҳий, Лутфий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккирлар ижодий меросида фонема, лексема, морфема, гап лингвистик бирлик сифатида тилдаги тизилмавий қонуниятлардан четда бўла олмаслигини талқин қилган.

Тадқиқотда тилшунос олимлар томонидан лингвистиканинг ечилмаган масалаларини илмий асосда ҳал этишда тарих, этнография, археология, психология каби фанлар материаллари ва хулосаларидан фойдаланган ҳолда ўрганилгани тасниф этилган.

Компетенция ва унинг таснифига оид тадқиқотларда мазкур тушунчадан таълимнинг якуний натижаларини кўрсатиш ҳамда шахснинг турли хусусиятларини тавсифлашда фойдаланилади. Таълимда компетенцияларнинг асосий функциялари ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш бўйича ижтимоий талабнинг акс этиши; билим, кўникма ва малакалар ҳамда фаолият усулларини комплекс ҳолда мақсадли қўллаши учун атроф-муҳитдаги реал объектларни кўрсатиши; турли ўқув предметлари ва таълим соҳалари мазмунининг таркибий қисми бўлиши ҳамда аниқ масалаларни ечишда назарий билимларни амалиётда қўллашга боғлашдан иборат.

Она тили таълимига компетенция тушунчасининг киритилиши шу кунга қадар ўқитиш жараёнида учрайдиган назарий билим билан ундан амалиётда фойдаланиш ўртасидаги узилиш, яъни ўқувчи назарий билимга эга бўлса-да, ундан муаммоли вазиятларда фойдаланишга қийналиш ҳолатларини бартараф қилиши нуктаи назаридан қаралади. Демак, анъанавий таълимда устувор бўлган билиш парадигмаси ўрнига билимлардан муаммоли вазиятларда ўринли фойдаланиш парадигмаси устувор парадигмага айланади. Таълимда компетенциявий ёндашув, билиш парадигмасини инкор қилмаган ҳолда, уни муаммоли вазиятда қўллай билиш парадигмасига бўйсунадиган иккинчи пландаги парадигмага айлантиради, лекин ўқувчи билимни ўзлаштирмасдан туриб уни амалиётда қўллай олмайди.

Ўқитувчи ўқув ишларининг якуний натижасига эришиши учун ўқув жараёнининг бошланишидаёқ ўқувчи қандай компетенцияларни эгаллаши лозимлигини белгилаб олиши лозим. Компетенциявий таълим ўқувчиларнинг маълум билимлар йиғиндисини эгаллашнигина эмас, балки шахсни ривожлантириш, англаш ва яратиш қобилиятларини ўстиришни ҳам мўлжаллайди. Таълимнинг барча босқичларида она тилини ўқитишнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган, саводхон шахсни, яъни компетентли шахсни тарбиялаш тушунилади. Шунинг учун жамият она тили таълими олдида ўқувчи шахсида фикрлаш, ўзгалар фикрини англаш ва фикр маҳсулини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олиш, мустақил ва ижодий тафаккурни ривожлантириш вазифасини кўяди.

Шахснинг узлуксиз шаклланиши унинг камолотидаги асосий компетенцияларга муносабатини белгилаб берувчи ижтимоий қадрият мўлжаллари ҳамда муҳим шахсий фазилатлар (коммуникативлик, маданий тафаккурга эгаллик, бадиий зехн, рефлексия қобилияти, ижтимоий субъектлик) тизимини ўз ичига олувчи интеграл тавсифи сифатида тушунилади. Компетенциялар, ҳар бир фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг чуқур билим олиш ва билимларини кундалик фаолиятида қўллай олишларини таъминлашига кўра белгиланади. Она тили фанига доир компетенциялар бу ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи нутқий ва лингвистик компетенциялар ҳисобланади.

Лингвистик компетенция – ўқувчиларда грамматикага оид ўзлаштириладиган билимларни (тилшунослик фанининг бўлимлари: фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчаларни) ривожлантириш ҳамда она тилининг кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг фикрини тўғри ва раvon баён эта олишини шакллантиришдан иборат².

Лингвистик компетенцияларни ўзлаштирган ҳолда, 5-6-синф ўқувчиси шахс сифатида шаклланиб, мунтазам ўзгариб борувчи сиёсий-маданий

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017 йил 14 (774)-сон, 230-модда.

жамиятнинг шарт-шароитларига нафақат мослашади, балки муайян кадриятлар тизимида ўзлигини англаш ва ўзга маданиятлар компонентларини фарқлаш қобилиятини ривожлантиради. Лингвистик компетенцияларни ривожлантириш мазмуни ўқувчиларнинг ўз она тилида фикрини аниқ, қисқа ва тушунарли баён этиш; адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда сўзлаш ва ёзиш; имло, ишорат ва услубий хатоларсиз иш юритишга қаратилган ёндашувларни талаб этади.

Ўрганилаётган тил, яъни унинг бўлимлари: фонетика, лексика, сўз таркиби, сўз ясалиши, морфология, содда ва кўшма гап синтаксиси, матн услуби асосларидан таркиб топади. Ўқувчи бу ҳақда тасаввурга эга бўлса ва амалда ундан фойдалана олса, лингвистик компетенцияга эга дейиш мумкин. Дарҳақиқат, қайсидир янги тилни имо-ишоралар, хатти-ҳаракатлар, таниш предметларни вербал акс эттириш орқали ўрганиш бошланганда ҳам, фикрни оғзаки ва ёзма шаклда етарли даражада ифодалаш учун ўрганилаётган тилнинг фонетикаси ва орфоэпияси (товуш тизими, урғуни тўғри қўллаш), лексикаси (сўзларни синоними, антоними, омоними билан ўрганиш, сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини, фразеологизмларни англаш), сўзнинг таркиби (асос ва кўшимчаларни фарқлаш, ҳар бир туркумга хос грамматик шаклларни ва уларнинг вазифаларини), синтаксисни (фикрни тасдиқ ёки инкор қилиш шакллари, ифода мақсадга кўра дарак, сўроқ, буйруқ гаплар) ўрганмасдан туриб лингвистик компетенциясиз эгаллаш мумкин эмас.

Лингвистик компетенцияларни ривожлантириш лексик жиҳатдан сўзнинг аниқ танланиши, фонетик жиҳатдан товуш оҳанги, нутқ тезлиги ва ҳиссиётларга оид интонация, морфологик ва синтактик жиҳатдан сўз ясалиши ва грамматик қурилишини англантиши, сўз яшаш жиҳатдан мулоқот амалиётида ишлатишни тақозо қилиши кўп йиллик педагогик фаолиятимиз маҳсули сифатида ўз тасдиғини топди.

Лингвистик компетенцияларни ривожлантиришда ўқувчиларда адабий талаффуз кўникмаларини имловий саводхонлик билан уйғун тарзда шакллантириш масаласи узлуксиз таълим тизимидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини шакллантириш жараёнида нутқ шакллариининг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади:

қўлланилиши қатъий тартибга солинган ва меъёрлаштирилган адабий тилдан фойдаланилади;

нутқ кўриш ва эшитиш аъзолари орқали қабул қилишга йўналтирилади. Бунинг натижасида, у аниқ тузилиш ва расмий ифодага эга бўлади;

услуб ҳосил қилувчи функцияларга эга. Бу эса, у ёки бу матнни яратиш учун тил воситаларини танлашга таъсир қилади;

нутқ илмий, публицистик, расмий-идоравий ва бадий услубларда ифодаланади.

5-6-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш компонентлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Лингвистик: фаол луғавий, грамматик ва фонетик материални билиш; тилнинг график тизимини билиш; имло қоидалари, уларнинг турли тамойилларига таяниш.

Психологик: нутқ бўйича билим ва кўникмалар; фикрни оғзаки ва ёзма шаклда ифодалаш лаёқати; ёзма нутқ билан оғзаки нутқнинг бошқа кўриниш ва шакллариининг ўзаро таъсирланиш характери; ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш.

Методологик: ёзма ва оғзаки нутқни такомиллаштириш бўйича мустақил ишлаш; имло қоидалари кўринишида турли тушунчалардан фойдаланиш; турли луғатлардан фойдаланиш кўникмалари.

5-6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш компонентлари мазмуни шундай хулоса чиқаришга имкон берадики, тил қоидаларини ўзлаштириш, она тили воситалари орқали ўзининг ёки бошқалар фикрини ифодалаш мақсадида улардан фойдаланишни ўрганиб олиш, у ёки бу ёзма матнни мустақил тузишда турли таянч тушунчалардан фойдаланиш кўникмасини ўзлаштиришни тақозо этади. Бунда ўқитувчининг вазифаси таълим жараёнида барча компонентлар муваффақиятли амалга ошиши учун қулай шарт-шароитни юзага келтиришдан иборат.

5-синф “Она тили” дарслигида лингвистик ва нутқий компетенция элементларининг ривожлантирилиши, PISA халқаро баҳолаш дастури бўйича ўқувчиларнинг нутқий саводхонлигини ошириш ҳамда тўртта кўникма: тинглаб тушуниш, гапириш, ёзиш ва ўқиш кўникмаларининг шакллантирилишига эътибор қаратилган. Дарсликда берилган машқлар, матнлар ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини кўзлаб танланган, сўзларнинг товуш қурилиши, тўғри ёзилиши (имло қоидалари), лексикология (сўз илми), луғатшунослик бўлимлари, тиниш белгиларининг ишлатилиш ўринлари ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, матн ва луғат устида ишлашга 38 соат вақт ажратилган. Бундан ташқари, ҳар бир грамматик мавзу ичида ҳам матнлар берилган. Матнларнинг барчаси маълум бир вазифани бажаради. Грамматик мавзуларда берилган матнларда шу мавзу доирасида саволлар келтирилган. Топшириқлар ҳам айнан шу матн луғати асосида бажарилади. Алоҳида матнлар топшириқларига аввалги грамматик мавзулар сингдирилган.

6-синф “Она тили” дарслигида келтирилган матнлар тили, улар юзасидан ишлаб чиқилган савол-топшириқлар ўқувчилар нутқини тадрижий равишда ўстириб бориш ва лингвистик компетенцияларни ривожлантириш имкониятига эга эмаслигини кўрсатди. Дарсликдаги барча матнлар назарий билимни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга ёрдам берса-да, ўқувчилар луғатини бойитиш, нутқини ўстириш, тилнинг ўзига хос жиҳатларини амалий эгаллашларида етарли деб бўлмайди. Машқларнинг бир тизим сифатида мукамаллик касб этмагани, назарий маълумот беришга мўлжалланган терма тўқима гаплардан тузилгани, шубҳасиз, боғланишли нутқни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмайди. Ўқувчиларнинг адабий тилни эгаллашлари машқ матнларининг бадийлигига, тил компонентлари бойлигига боғлиқ. Тадқиқот ишида мана шу жиҳатларни тўлдиришга оид ёндашувлар мазмуни назарий жиҳатдан ўз аксини топган.

“Она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш методикаси” деб номланган иккинчи бобида лингвистик компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган

дарсларда таълимнинг фаол ўқитиш методлари, замонавий ва ахборот-коммуникацион технологиялар ҳамда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш йўллари баён қилинган.

Тажириба-синов жараёнида ўқувчиларнинг тилни амалий ўзлаштиришларида бир қанча қийинчиликлар мавжудлиги аниқланди, бадиий матнни қайта яратиш, нутқини ёзма тарзда саводли ифодалаш кўникмалари талаб даражасида шаклланмаганлиги маълум бўлди.

Она тили дарсларида ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантириш жараёни ўқув фани мазмуни, таҳлил қилишга тавсия қилинадиган матнлар ҳажми ва мазмунининг изчиллигига амал қилиш, қўлланадиган тил воситаларининг ранг-баранглиги ва мураккаблик даражасини ошириб боришни тақозо қилади. Зеро, ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантиришга имкон берадиган ёзма ва оғзаки нутқни муваффақиятли ўзлаштириш махсус машқларни бажариш йўли билан амалий кўникмалар ҳосил қилишни талаб этади. Шу жиҳатдан ёндашилиб, мазкур бобда ёзма ва оғзаки нутқ меъёрларини ўзлаштиришга қаратилган рефлексив машқлар ва топшириқлар орқали ўқувчиларда амалий кўникмалар ҳосил қилиниши қиёсий таҳлиллар воситасида очиб берилган. Жумладан, ўқувчилар билимини халқаро стандартлар асосида баҳолаш (PISA) дастури талабларига мувофиқ тузилган тестлар, “Қайта ҳикоялаш” (Picture story), “Пинбоард”, “Билағонлар мусобақаси”, “Интервью”, “Синквейн”, “Танишув”, “Ақлий ҳужум”, “Таққослаш”, “Видеотопишмоқ” каби замонавий ёндашувларнинг ўқувчиларда тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини шакллантиришдаги аҳамияти баён этилган. Ҳикоя, тасвир ва муҳокама матнидаги топшириқлар, луғат устидаги ишларнинг лингвистик компетенция ривожига ёрни ёритилган.

Ўқувчиларнинг тил материалларини қўллаш малакаларини фаоллаштириш учун қуйидаги дидактик ўйинлар тавсия этилган:

лексикология бўлимини ўрганишда: “Мен бошлайман, сен давом эттир”, “Мазмунан қариндош, шаклан бегона” ўйинлари;

морфология бўлимини ўрганишда: “Ўринли сўзлар билан тўлдириш”, “Сўзлар бўёғини аниқланг” ўйинлари.

Лексик ўйинлар ўқувчиларнинг луғат бойлигини бойитишга хизмат қилади, янги сўзларни тез ва осон эслаб қолишга ёрдам беради.


Грамматик ўйинлар муҳим ва зарур грамматик тузилмаларни қўллашни ўргатиш, ривожлантириш учун ўтказилади. Бундай ўйинларда кўпинча сўз туркумлари (от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл) ва эгалик, келишик қўшимчалари олинади.

Дарс жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш ўқитувчи билан ўқувчилар орасида педагогик ҳамкорлик, ўзаро мулоқот қилиш ва ижодий фаоллик кўрсатиш учун қулай шарт-шароит яратади. Ҳамкорликка асосланган таълимнинг ижобий ўзаро боғлиқлиги, масъулиятлилики, “юзма-юз ўтириш имкони”, ижтимоий малакалар ҳамда баҳолаш билан боғлиқ жиҳатлари тилга олинади.

Топшириқларни индивидуал бажариш жараёнида ўқувчилар ақлий

фаолиятга жалб этилади, ўз билими, кучи ва қобилиятига бўлган ишончи орттирилади. Бунинг натижасида ҳар бир шахс ўз имконияти даражасида интеллектуал ривожланади.

Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг лингвистик компетенциясини ривожлантириш модели яратилиб, тўпланган тажриба мантиқий жиҳатдан ўқитувчилар иш фаолияти, шакл, усул ва услубларининг мажмуи сифатида кўриб чиқилди. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланди (1-расм).



1-расм. 5-6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш модели.

Ўқувчилар томонидан ёзма нутқ меъёрларини ўзлаштириш мазмун-мундарижасидаги турли компонентларнинг ўзлаштирилишни, у ёки бу электрон-дидактик воситалардан устувор фойдаланишни тақозо қилади. Мультимедиа технологияларининг самараси интернет-сервислар (электрон почта, қидирув тизимлари), интернет-ресурслар (муסיқа, тасвир, ахборот, видео, интерактив машқлар), график файллар (фотографиялар, рақамли суратлар), мультимедиа тақдимотлари каби электрон-дидактик воситаларни қўллаш жараёнида намоён бўлиши масаласи ҳам боб мазмунидан ўрин олган.

Диссертациянинг “**Она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини ўтказиш ва улар юзасидан олинган натижалар таҳлили хусусида сўз юритилган.

Тажриба-синов ишларининг амалиёти ва натижаларини илмий-методик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш мақсадида 5-6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш методикасига қаратилган тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда ташкил этилди:

Изланувчи-таъкидловчи босқич (2018-2019 йиллар). Унда умумий ўрта таълим мактабининг 5-6-синфларда фаолият юритаётган ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида анкета (сўровнома)лар, индивидуал суҳбатлар уюштирилди ва ўқув дарсликлар ўрганиб чиқилди. Анкета (сўровнома)лар она тили дарсларида матн ва луғатлар устида ишлашда амалда қўлланилаётган усуллар, илғор тажрибаларни аниқлашда яқиндан ёрдам берди. Мазкур жараёнда 5-6-синф она тили дарсларида машқларни бажариш орқали лингвистик компетенция ривожланишининг аҳволи баҳоланди, бу борадаги камчиликлар аниқланди, юқори самарадорликка эришиш имконини берувчи ишлар режаси ҳамда инновацион характерга эга методик ишланмалар тайёрланди.

Шакллантирувчи тажриба босқичи (2019-2020 йиллар). Ушбу босқичда 5-6-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш билан бир қаторда, тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини шакллантиришда махсус методика диссертант томонидан амалиёт учун тавсия этилган, инновацион характердаги кўплаб дарс ишланмалар, мультимедиали видеодарслар ташкил этилди. Бу жараёнда 5-6-синф она тили дарсларида ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантиришда методларнинг самарали бўлишига аҳамият берилди.

Яқуний босқич (2020-2021 йиллар). Мазкур босқичда 5-6-синф ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантиришда энг мақбул усулларнинг амалиётга мослиги ва самарадорлиги баҳоланиб, махсус методика мазмунига ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритилди. Ушбу босқичнинг таҳлилий жараёнида ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантириш орқали хулосалар қилинди ва методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тажриба майдонлари сифатида қуйидаги умумий ўрта таълим мактаблари танланди: тажриба-синов ишлар Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 9-мактаб, Ангор туманидаги 3-мактаб, Қашқадарё вилояти Каспи туманидаги 18-мактаб, Самарқанд шаҳридаги 2-мактаб, Тошкент шаҳар Яшнабод туманидаги 23-мактабларининг 5-6-синфларида олиб борилди. Унда таълим муассасалари ҳудудлар кесимида танлаб олинди ва ўқувчилар тажриба ва назорат синфларига ажратилди.

Педагогик тадқиқотларда назорат синфида олиб борилган анъанавий методика асосида олинган натижалар тажриба синфида олиб борилган махсус методика асосида олинган натижалар билан таққосланиб, улар бир-биридан

фарқ қилади, деган ғоя илгари сурилди. Олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини текшириш, илгари сурилган гипотезанинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида математик статистик усулларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишларини муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади. Тажриба-синов ишлари дастурида 5-6-синф ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантириш методикаси аниқлаштирилди. Диссертацияда 5-6-синф ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантириш самарадорлиги “юқори”, “ўрта”, “қуйи” даражали мезонлари кўрсатиб берилди (1-жадвал).

1-жадвал

5-6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенция ривожланганлигини аниқлаш мезонларининг кўрсаткичлари

	кўрсаткичлар		
	Юқори	ўрта	қуйи
лингвистик компетенция (5-синф)	янги сўз ва ибораларни ўзлаштиради; гапда сўзларнинг боғла ниши, сўз бирикмаси, гапнинг ифода мақсадига кўра турлари, гап бўлаклари, ундалма, кириш сўз, содда ва қўшма гаплар, кўчирма гаплар ва диалогларни фарқлайди, изоҳлай олади; сўзларни морфологик таҳлил қила олади; ўрганилган ифода воситаларини оғзаки ва ёзма нутқда тўғри қўллайди.	янги сўз ва ибораларни қисман ўзлаштиради; гапда сўзларнинг боғланиши, сўз бирикмаси, гапнинг ифода мақсадига кўра турларини айтади; гап бўлаклари, ундал ма, кириш сўз, содда ва қўшма гаплар, кўчирма гаплар ва диалогларни фарқлашда бироз қийналади.	янги сўз ва иборани ўзлаштира олмайди; гапда сўзларнинг боғланиши, сўз бирикмаси, гапнинг ифода мақсадига кўра турларини ажратади; гап бўлаклари, ундалма, кириш сўз, содда ва қўшма гаплар, кўчирма гапларни айтишда иккиланади.
лингвистик компетенция (6-синф)	сўз таркиби ва сўз ясалишини фарқлай олади; муस्ताқил сўз туркумлари (феъл, от, сифат, сон, равиш)ни изоҳлай олади; мавзу доирасида гапларни морфологик таҳлил қила олади, ўрганилган ифода воситаларидан нутқда ўринли фойдалана олади.	сўз таркиби ва сўз ясалишини қисман фарқлай олади; муस्ताқил сўз туркумлари (феъл, от, сифат, сон, равиш)ни изоҳлайди; мавзу доирасида гапларни морфологик таҳлил қила олади.	сўз таркиби ва сўз ясалишини фарқлай олмайди; муस्ताқил сўз туркумлари (феъл, от, сифат, сон, равиш)ни ажра тишда қийналади; мавзу доирасида гапларни морфологик таҳлил қила олмайди.

Тажриба якунидаги умумий натижалар лингвистик компетенцияларнинг ривожланганлик даражаси тажриба гуруҳда якуний босқичда ўзлаштириши юқори эканлигини кўрсатади. Тажриба якунида олинган натижалар бўйича ўқувчилар билим даражаси, тажриба ва назорат синфларидаги ўқувчиларнинг

билим даражаси бир-биридан фарқ қилиб, тажриба гуруҳининг самарадорлик кўрсаткичи 1,15га тенглиги маълум бўлади.


Юқоридаги натижалардан хулоса қилиш мумкинки, тажриба-синов жараёнидаги ёндашувлар, яратилган ишланмалар ва такомиллаштирилган методика асосида олиб борилган ишлар самарали эканлиги математик статистик усуллар орқали исботланди. Демак, барча кўрсаткичлар критик қийматдан катта ва қўйилган гипотеза шарти бажарилганлиги учун олинган натижаларда тажриба синфидаги ўқитиш самараси юқори эканлиги исботланди (2-жадвал).

2-жадвал


Ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантириш бўйича якуний натижалар

5-6-синф	Тажриба гуруҳи			Ўқувчи сони	Ўқувчи сони	Назорат гуруҳи		
	юқори	ўрта	қуйи			юқори	ўрта	қуйи
	5	4	3	225	217	5	4	3
	37	168	20			19	84	114

Ушбу ҳисобларнинг самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги кўринишни олади (2-3 расмлар).



2-расм. Ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг ўртача қиймати диаграммаси



3-расм. Ўқувчиларда лингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг мезонлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари

Келтирилган ҳисоб-китоблардан олиб борилган тадқиқот ишлари самарадорлиги ўртача 1,15 %га юқори эканлиги статистик усуллар ёрдамида исботланди.

ХУЛОСА

Амалга оширилган илмий таҳлиллар, тақдим этилган методик ишланмалар, тавсияларни умумлаштириш ва уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. 5-6-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш таълим-тарбия ва ижтимоий тажриба уйғунлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради.

2. Ўқувчиларни ўзини ўзи бошқариш, тарбиялаш, мустақил ижодий фаолиятга жалб қилиш, уларнинг мойиллиги, лаёқати, қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиш лингвистик компетенция ривожига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

3. Лингвистик компетенцияларни ривожлантиришда ўқувчиларнинг мулоқот вазиятларига мос оғзаки ва ёзма шаклда жумла қуриш кўникмалари шаклланганлиги, тизимли-фаолиятли, ижтимоий-маданий, интегратив ва прагматик ёндашувлар юқори самарадорлиги таъминланди.

4. Ўқув дастурида белгиланган мавзуларни инновацион таълим технологиялари асосида лойиҳалаш, ўқувчиларни шахсий ташаббус ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш, ёзма ва оғзаки нутқни муваффақиятли ўзлаштиришга қаратилган рефлексив машқларни бажариш кўникмаларини ҳосил қилиш улардаги мавжуд потенциал имкониятлари такомиллаштирилди.

5. Лингвистик компетенцияларни ривожлантиришда когнитив, жараёнли, интегратив-шахсий мезонлар ўқув жараёни самарадорлигини таъминловчи омиллар аниқланди.

6. Тадқиқот давомида фундаментал ва амалий йўналганлик, индивидуаллик, педагогик ҳамкорлик ва кўргазмалилик тамойилларига амал қилиш лингвистик компетенцияларни ривожлантиришидаги ўрни аниқланди.

7. Таълимнинг “Қайта ҳикоялаш” (Picture story), “Пинбоард”, “Дискурс”, “Интервью” каби фаол ўқитиш методлари, матн ва луғат устидаги ишлар ўқувчиларнинг лингвистик компетенциялари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

8. 5-6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш бўйича яратилган мультимедиа иловали методик қўлланмалар, дарс ишланмалари, методик тавсиялар ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларининг ошганлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КЕНЖАЕВА МУХАЙЁ АБДУМУРОДОВНА

**МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ У
УЧАЩИХСЯ 5–6-КЛАССОВ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания
(узбекский язык)**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/Ped1652

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Матчанов Сапа
доктор педагогических наук, профессор

Маматова Гулшан Аманкуловна
доктора философии по педагогическим наукам (PhD)

Ведущая организация: Гулستانский государственный университет.


Защита диссертации состоится 23 XII 2021 года в 8⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №___). (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Автореферат диссертации разослан 11 XII 2021 года
(реестр протокола разосылки № 39 от 11 XII 2021 года).


М.З.Хайдаров
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор


Р.Г.Нисонов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., доцент


Н.А.Муслимов
Председателя Научного семинара Научном
совете по присуждению при ученых
степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В образовательных учреждениях мира внедряются в образовательный процесс креативные технологии улучшения речи посредством информационных технологий. Организацией Объединённых Наций ведутся системные работы по развитию лингвистических компетенций учащихся, гармонизации навыков литературного произношения с письменной грамотностью, совершенствованию методики внедрения в практику и крупных проектов на основе вопросов создания в мировом масштабе относительно равных условий по качеству обучения для обучаемых, внедрения в образовательный процесс инновационных педагогических технологий.

Исходя из потребности превращения учащейся молодёжи в активного субъекта образования, в мире проводятся научные исследования по совершенствованию методики обучения языку и таким путём формирования у них лингвистических, социолингвистических и прагматических компетенций, широкому внедрению требований международных стандартов по обучению языку в условиях глобализации, а также обеспечению интеграции науки и образования при формировании базовых и специфических компетенций. В информатизированном мире уделяется особое внимание научным исследованиям, направленным на организацию интерактивного обучения на основе медиатехнологий, развитию компьютерной лингводидактики, популяризации в практику образования технологии портфолио языка.

В образовательных учреждениях нашей республики в последнее время созданы нормативные основы дальнейшего развития осознанного отношения учащейся молодёжи к действительности, чувства причастности и социальной активности, создания образовательной среды, позволяющей свободно и независимо мыслить. «Воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодёжи с твердыми жизненными взглядами, повышение ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества»³, приобретают важное значение поднятие на новый этап качества обучения родному языку, повышение интеллектуального потенциала учащихся, совершенствования педагогических механизмов формирования способности творческого мышления и лингвистических компетенций.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит решению задач, намеченных в Законе Республики Узбекистан от 23 сентября 2020 года «Об образовании», Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 29 октября 2019 года №УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственного», от 29 апреля 2019 года №УП-5712 «Об утверждении

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”. - Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

Концепции развития народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», от 20 октября 2020 года №УП-6084«О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране», постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 апреля 2020 года № 157 «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального образования», а также других нормативно-правовых документах, соответствующих данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. В нашей республике проблемы изучения творческого мышления учащихся, улучшения речи, работы над словарём, анализа речевых особенностей текста и интегративного подхода в преподавании родного языка в процессе общего среднего образования отражены в научных исследованиях К.Абдуллаевой, Н.Г.Аловуддиновой, Г.М.Ахмедовой, Х.Бакиевой, Г.Бобомуродовой, Т.У.Зиядовой, О.Охунжоновой, М.Саидова, Н.Х.Сатторовой, Р.Г.Сафаровой, К.М.Мавлоновой, У.Машариповой, Б.Тухлиева, М.Э.Хайдаров, Т.А.Юсуповой, Ш.Ж.Юсуповой, Н.А.Косимовой, А.К.Гуломова, А.Р.Хамроева, Г.Х.Хамроева. Вопросы организации уроков родного языка с помощью передовых педагогических и информационных технологий, лингвометодических основ обновления содержания обучения родному языку, обеспечения непрерывности преподавания родного языка на этапах образования исследованы таким учёными, как С.А.Адилова, Х.К.Курбонова, Х.Мухиддинова, Н.З.Умарова, Н.Юлдашева.

